Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 12-mart, seshanba
№ 29-30 (14521)

ПРЕЗИДЕНТ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Ўтган вақт мобайнида икки мамлакат ўртасида кўплаб ташрифлар амалга оширилди, талай ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозир давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мазкур ташриф Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янги босқичга кўтаражагини таъкидлади.

— Ташриф асносида олтита ҳужжат имзоланиши кутилмоқда, - деди Ислом Каримов. - Булар орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланадиган янги ҳужжатдир. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолатлаш нуқтаи назаридан бу ҳужжат жуда муҳимдир.

Умуман, АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби эзгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан амалга оширилаётган ушбу тўрт кунлик ташриф чоғида мамлакатимиз Президенти Оқ уй раҳбари билан музокаралар ўтказади, парламент аъзолари, ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

(ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТ ЛОНДОНГА ТЎХТАБ ЎТДИ

Лондон. 11 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Шу куни Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Буюк Британия пойтахти Лондоннинг "Стэнстед" аэропортига тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбарини мазкур мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси вакиллари кутиб олди.

Қисқа муддатли музокараларда Ўзбекистон-Буюк Британия муносабатларини янада ривожлантириш, турли жабҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Буюк Британия расмийлари билан учрашувдан сўнг, Ўзбекистон делегацияси яна АҚШга йўл олди.

(ЎзА)

ХАЛҚИМИЗНИНГ АРДОҒИ ВА ИШОНЧИ

«AMOLOT» hududi

Яна баҳор келди. Фасллар алмашди. Одамлар ўша-ўша. Бир-биридан ўрганади, бир-бирига ўргатади, буюкликни ваъда қилувчи чўққилар сари ошиқаверади.

Шундай умрбоқий инсонлардан бири севимли шоирамиз Зулфия ўзининг шеърияти, эл ичра достон бўлган вафо ва садоқат, букилмас иродаси ва имон-эътиқод билан бугунги ёшлар, айниқса қизларимизга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилаяпти. Айниқса, Президентимиз томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгач, унинг издошлари сафи янада кўпайди. Бу йил ҳам ноёб истеъдод соҳиблари, зукко ва билимдон, ўқишда, жамоат ишларида алоҳида ибрат кўрсатган қизларимиздан ўн тўрт нафари шу сафга қўшилди. Она табиатнинг гуллаб-яшнаётгани фақат даладаштларга, виқорли тоғларгагина эмас, кўнгилларга ҳам бетакрор гўзаллик бахш этаётган баҳорнинг илк кунларида баҳорнинг ўзидек гўзал ўн тўрт нафар қиз учун қўшалоқ байрам бўлди. 7 март куни Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги совриндорлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида қабул қилинди. Қабул маросимини кириш сўзи билан очган Ҳаракат Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев қизларни қўшалоқ байрамлари билан табриклаб, жумладан шундай деди:

— Жамиятимиз ғайрат-шижоати, ёркин истеъдоди билан гуркираб сафга қўшилаётган сиз каби ёшларнинг навниҳол ижод самаралари билан кўркам ва бадавлатдир. Сиз бугундан бошлаб халқимизнинг ардоғи ва ишончига айландингиз. Ёшларнинг қобилиятини тарбиялашда муаллимнинг тафаккур доираси ва савияси нечоғлик аҳамиятга эга бўлса, энди тенгдош дўстларингизга сиз кўрсатган таъсир ҳам шундан кам бўлмайди. Бундан кейин сиздан ҳар бир қадамингизни ўйлаб босиш, ҳар бир сўзингизни ўйлаб гапириш, тинимсиз изланиш ва дўстларингизга ибрат бўлиш талаб этилади. Ушбу сўзлардан ҳамда "Камолот"нинг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларидан яна бир карра руҳланиб, ишонч ҳиссини туйган совриндорлар ўз кўнгилларини шундай ифода этдилар:

— Бугун Давлат мукофоти билан бирга катта масъулиятни ҳам қабул қиляпман. Албатта, бундан жуда бахтиёрман. Ахир, одамларга кераклигингни ҳис қилиб яшашдан ортиқ бахт борми? Истайманки, ҳамма тенгдошларим ўқиб-излансинлар ва мен каби бахтга эришсинлар, — дейди жиззахлик совриндор Шоҳида Мўминова. Тошкент Давлат аграр университети талабаси Мастура Умарова Юртбошимизга чексиз миннатдорчилик билдириб, бу йил диссертация ҳимоя қилгач, докторлик ишини бошламоқчи эканини айтди. Кенжатой қизалоқ Малика Ғайбиева эса ҳаммадан кўп ҳаяжонда эди: — Арзимаган меҳнатим учун шундай катта мукофотга лойиқ, деб топишибди. Демак, ижод қилаверсам, ҳали кўп ютуқларга эришишим мумкин эканлигини англадим.

Ҳа, орзуга айб йўқ. Орзу инсонни ҳаракатга ундаш фалсафаси. Чунки инсон учун орзу сув билан ҳаводек зарур. У хаёлдан, орзудан куч олиб, бунёдкорлик қилади. Қизларнинг сўзларидан англадикки, мамлакатимизда иқтидорли йигит-қизларнинг ижоди, ҳаётдаги, ўқишдаги муваффақиятлари қўллаб-қувватланиши уларга фақат кўтаринки руҳ берибгина қолмай, ишонч туйғуси, эркинлик, яъни орзулар дарёсига қўрқмасдан шўнғиб, яхши ният билан олға интилиш имконини ҳам беради, янги довонларни забт этишда толмаслиги учун рағбат вазифасини ўтайди. Ёшлигида орзулари билан мукаммалроқ бўлиб туюлган инсоннинг улғайганда мукаммалликка эришиши учун йўллар очилади.

Мукофотга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тавсия этилган Манзура Холмирзаева ўз мамнунияти ва ташаккурини ўзгачароқ изҳор этди. У йиғилганлар дилини яйратиб, момолардан мерос чанқовузни сайратиб, Ватанни мадҳ этувчи достонини айтиб берди. Шунда доноларимиздан бирининг, инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини, бадиий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиши лозим, дегани ёдимга тушди. Биз ўзимизни англашга, ўзимизни англаш орқали дунёни англашга интиляпмиз ва бунга анча-мунча эришяпмиз ҳам, деган хулосага келдим.

Кайфият тобора байрамона тус олди. "Камолот"нинг мукофот соҳибларига қаратган эътибори, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунида улар учун муносиб совға бўлди. Маросим сўнгида қизлар ота-оналари, устозлари, Ҳаракат Марказий Кенгаши аъзолари билан эсдалик учун суратга тушдилар ва шундан сўнг "Туркистон" саройида ўзларини кутаётган тантанага йўл олдилар. Бу суратларга кўзи тушган барча ёшлар ўша куннинг ва маросимнинг кайфиятини туядилар, ҳавас қиладилар, халқимизнинг маданий қатламларини тўлдирувчи янги кучлар, янги овозлар, янги юлдузлар бўлиб Ватанимизга хизмат қилишга бел боғлайдилар.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА,
«Turkiston» мухбири

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

БАЙРАМ БАҲОНА...

Бешинчи синфда ота-оналар йиғилиши бўлаётган эди. Синф раҳбари, ёш муаллима йиғилган ота-оналарга фарзандларини ўқиши, хулқи ҳақида қисқача гапириб бергач, кейинги масалага ўтди.

—Ҳаммаларингга маълумки, бу йил мучал бўйича от йили кириб келаяпти, —гапни узоқдан бошлади у. — Ўғил-қизларингиз ўн уч ёшга қадам қўяди. Ҳалқимизда мучал ёшини байрамона нишонлаш урф-одати бор. Биз ҳам синф билан бирга болаларнинг мучал ёшларини эсда қоладиган тарзда нишонласак, шунга нима дейсизлар?

Ота-оналар орасида жонланиш бўлди. Кимнингдир овози баландроқ, кимникидир пастроқ чиқарди:

—Яхши бўлади! Розимисиз!

—Наврўз байрамига қўшиб нишонлаш керак!

—Йўқ, алоҳида бир маросим қиламиз!

—Албатта, биринчи мучални нишонлаш керак!

—Ҳа, бизнинг ҳам орзу- ҳавасларимиз бор...!

Муаллима таклифи кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганлигидан мамнун бўлди.

—Хўш, тадбирнинг режасини тузиб олсак... Ҳаражатларини қандай қиламиз?—дея ота-оналарга юзланди у яна.

Олдинги партада ўтирган гапга чечан аёллардан бири ўрнидан турди.

—Менинг таклифим бор: ҳар бир ота-онадан 5 минг сўмдан йиғсак, 150 минг сўм бўлади. 100 мингини дастурхон тузатиш, яна артистлару видеочига сарфласак, етади. 50 мингига болаларимизнинг синф раҳбари ва директорига битта-битта чиройли гилам совға қилсак,сизлар нима дейсизлар?

Яна синфда ғала-ғовур бошланди. Кимдир маъқуллади, кимдир бошқача таклифни айта бошлади.

Орқароқда ўтирган бир ўрта ёшли киши жойидан турди.

—Менга қаранглар, —деди у вазминлик билан, —менимча, харажатни камайтирмасак, баъзи оилаларга оғирлик қилади. Ансамбль билан видеочи керак эмас, совғага эса гилам бўлмасаям арзонроқ эсдалик нарса олса бўлади...

Бирдан ҳамманинг нафаси ичга тушиб кетди.

—Тўғри,—деди эсанкираб қолган синф раҳбари,— масалан менга умуман совғанинг кераги йўқ. Лекин директорга...

—Нима деяпсиз, сингилжон!— унинг сўзини кесиб, шартта ўрнидан турди бояги аёл.— Сиз беш йил синфга раҳбарлик қиласизу биз кўнгилдан чиқариб бирор совға қилолмаймизми? Гап пулда эмас, одамга орият керак! Ахир биз ҳам орзу-ҳавас қилиб ўғил-қиз ўстиряпмиз, сиз бу ерда уларни одам қиляпсиз...

—Қўйсангизчи. Агар норозилик бўладиган бўлса...

—Биз норози эмасмиз,—дейишди охири ота-оналар зиддият авж олиб кетишидан чўчиб. —Майли, 5 мингдан тўплаб берамиз. Болаларнинг хурсандчилигига нима етсин!

Бу Бухоронинг Файзулла Хўжаев туманидаги мактаблардан бирида бўлиб ўтган гап. Ўғли ўша синфда ўқийдиган аёллардан бири, мендан қарз сўраб туриб бироз ҳасрат қилди. Ўзига тўқ, айрим ота-оналарнинг "ташаббус"лари билан баъзида бундай номаъқулгарчилик авж оляпти. Эшитишимга қараганда, Бухоро шаҳридаги яна бир мактабнинг "ташаббускорлари" ўқувчиларнинг мучал ёшини Лаби Ҳовуздаги машҳур қаҳвахонада ўтказишни режалаштираётган эканлар. Бунинг учун ҳар бир ота-онага 7 минг сўмдан "солиқ" солинади. Ахир бу қайси маънавиятга, қайси ахлоққа тўғри келади? Шундай пайтда "орзу- ҳавас" деб уларни қийнаб қўйишнинг нима кераги бор? Бу ерда ота-она орзусидан кўра мактабдаги маулимнинг манфаати- совға олиш истаги устун чиқаётганини пайқаш қийин эмас.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Мухторов имзоси билан 2001 йил мартда 50-сонли буйруқ чиқарилган бўлиб, унда мактабларда ўқувчилардан, ота-оналардан пул йиғиб, байрамлар ва бошқа тадбирларни дабдабали тарзда ўтказиш қатъиян таъқиқланган эди. Бунга йўл қўйган мактаб директорларига ҳатто уларни ишдан олишгача чора қўлланиши буйруқда кўрсатилган. Ушбу буйруқ барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига, мактабларга етказилган бўлишига қарамай яна айрим жойларда "13 ёшлигим" "Алифбе байрами" каби тадбирларни дабдабабозлик билан ўтказишга, ўқитувчиларга совғалар ташкил этишга йўл қўйилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Буни ким ўйлаб топган ўзи?

Ахир, вилоят ҳокимининг фармойишига биноан ҳар бир мактабга ҳомий ташкилотлар бириктирилган бўлиб, зарур харажатлар (таъмирлаш, аълочи ўқувчиларга стипендия бериш, байрам совғалари ташкил этиш учун, албатта) улар томонидан қопланиши керак-ку.

Наврўз байрами яқинлашмоқда. Миллий байрамимиз ўзига хос тантана билан нишонланиши қандай яхши! Аммо кимлар учундир у ортиқча дабдабабозликка, "совға йиғиш мавсуми"га айланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Мактабдаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти бефарқ бўлиб турмасдан, миллий мафкура ва тарбия учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишга фаол аралашмоғи, дабдабабозликнинг оллини олмоғи лозим.

Саидбурхон КОДИРОВ,
«Turkiston» мухбири

Бунда қорнинг тагларида қиш Баҳор учун сўйлайди олқиш.

Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР

Қизларимизни жисмонан соғлом, ақлан етук, баркамол авлод қилиб тарбиялаш, қизлар ўртасида спортнинг волейбол турини кенг тарғиб қилиш мақсадида Яккабоғ тумани 2-касб-ҳунар коллежи, 9-касб мактаби ҳамда Яккабоғ Саноат қурилиш коллежи талаба қизлари ўртасида "Камолот" кубоги учун волейбол мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақада Яккабоғ Саноат қурилиш коллежининг "Бунёдкор" жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Ушбу ғолиб жамоа "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сирожиддин ОТАХОНОВ

XXI аср — ёшлар асри

Шуҳрат БОЙМУРОДОВ, Тошкент иқтисодиёт коллежи талабаси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Дилафрўз МУРОДОВА, Тошкент Политехника касб-ҳунар коллежи талабаси

Янги дунё — ёшлар дунёси

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

«КАМОЛОТ» МУРУВВАТИ

САХОВАТЛИ БЎЛИШ ОЛИЙЖАНОБЛИКДИР!

Ҳаракатнинг Марғилон шаҳар бўлими Кенгаши Президентимизнинг "Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда, шаҳардаги вояга етмаган ногирон болаларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳолидан хабар олиш мақсадида Марғилон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Ногиронлар жамияти, Ҳунармандлар уюшмаси, шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 22-мактабда "Камолот" кунлари" доирасида хайрия тадбири ўтказди.

Тадбирда Ҳаракатнинг шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда Миллий ҳунармандчилик коллежининг иқтидорли, фаол ёшлари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар, қизиқарли кўринишлар ногирон болаларнинг ўксик қалбларига қувонч ва шодликлар улашди. Қизиқарли ўтган тадбир сўнгида Ҳаракат томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар ва кийим-кечаклар ўқувчиларга тарқатилди.

Ногирон болаларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб туриш мақсадида шаҳар халқ таълими бўлими назоратида турадиган 46 нафар ҳамда уйда таҳсил олиб, даволанадиган ногирон болалар рўйхатга олиниб, улар билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувдан мақсад уларнинг оилавий шароитларини ўрганиш, ўқитувчилар томонидан вақтида дарс ўтилишини шунингдек ёшларга эътиборни кучайтиришдан иборат эди.

Олиб борилган ишлардан шу нарса маълум бўлдики, бу ёшлар ҳам барча сингари ҳаётга чанқоқ, билим олишга иштиёқманд. Ўз навбатида 46 нафар ногиронлардан 10 нафари моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб,

«КАМОЛОТ» ҚАНОТЛАРИ

Ҳаракат томонидан уларга ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ва ўйинчоқлар тайёрланди. Бу эсдалик совғалар шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати А. Акрамов, Ногиронлар жамияти раҳбари У. Эшонбобоев, "Маҳалла" хайрия жамғармаси шаҳар бўлими раиси М. Мақсудов ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирокида тарқатилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг имкониятлар очилди. Айниқса, ёшларга ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқ. Ёшларнинг хорижий тиллар ҳамда компьютер техникасини мукаммал ўрганишлари, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида таҳсил олишлари учун кенг имкониятларнинг яратилиши бунинг яққол исботидир.

Бошқа ёшлар қатори мен ҳам бундай имкониятлар туфайли ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлдим. Ҳозирги кунга келиб ёшларнинг бирор-бир хорижий тилни билиши ёки компьютерни бошқара олиши оддий ҳолга айланган. Рус ва инглиз тилларини ҳамда компьютер сирларини мукаммал ўргандим. Ҳозирда француз тилини ўрганмоқдаман. 2001 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Конституциявий ҳуқуқ" фани бўйича олимпиадасида ғолибликни қўлга киритишга эришганим ана шу имкониятлар самараси, албатта. Мен эришган ютуқлар барчаси ҳукуматимизнинг ёшларга бераётган эътиборининг маҳсули деб ҳисоблайман.

Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша орзу ва мақсадлар билан яшаши шубҳасиз. Менинг ҳам келажак учун ният қилиб қўйган орзу ва мақсадларим жуда кўп. Биринчи галда ҳар бир талаба учун Президент стипендияси совриндори бўлиш катта бахт. Қолаверса, чексиз фахр ҳисобланади. Шундай экан, мен ўз олдимга, аввало Президент стипендиати бўлиш мақсадини қўйганман. Яна бир мақсадим, бакалаврлик дипломини олгандан сўнг "Умид" жамғармаси гранти орқали Тошкентда очиладиган халқаро Вестминстр университети магистратурасида ўқишни давом эттиришдир.

ОРЗУЛАРИМ КЎП

Отабек ИСМОИЛОВ,
Фарғона Давлат университети талабаси

«КАМОЛОТ» БАЙРАМИ

ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯЧИСИ

Ҳаракатнинг Қўқон шаҳар Кенгаши ёшларнинг юксак орзу интилишларига етишишида кўмаклашиш, ҳаётий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил қилиб келмоқда. Айниқса, "Қувноқлар ва зукколар", "Дилдан суҳбат", "Аёл маънавияти", "Ялла" каби анъанавий кўрик-танловлар, "Ёш раққоса", "Сиз тарихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?", "Камолот" қўшиқлари" танловлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яқинда шаҳардаги 47-Райҳон маҳалласи оқсоқоллари ва шаҳар Кенгаши ҳамкорликда Муроджон Ғанибоев ҳамда Шалолахон Матзияеваларнинг никоҳ тўйларини ўтказди. Файзли ўтган тўйда шаҳар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши раиси Б. Маматқулов икки ёшга бахтли-саодатли турмуш қуришларини тилаб, шаҳар "Камолот"чиларининг эсдалик совғаларини топширди.

Шундай қилиб, икки ёшнинг бахт ва висол оқшоми файзли ва тароватли ўтди.

«КАМОЛОТ» ФАОЛЛАРИ

АГАРДА БИР САФДА БИРЛАШСАК

Дарҳақиқат, юртимизда яшаётган аҳолининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этади. Бу Ўзбекистон навқирон ва қудратли юрт сифатида катта интеллектуал имкониятларга эга эканидан далолат беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов истиқлолнинг илк кунлариданоқ "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" деган ғояни илгари суриб, айниқса бу борада ёшларга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Бу мақсад ва вазифалар асосида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати республикамиз миқёсида ёшларни жамиятдаги ижтимоий ўзига хос куч сифатида сафига бирлаштирмоқда.

Ёшлик — маънавий-ахлоқий идеални излаш, мақсад ва орзуларини рўёбга чиқариш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласи. Қолаверса, балоғат йиллари чексиз ва дахлсиз ақл-заковат, енгилмас куч-қудрат даври десак адашмаймиз. Ана шу куч қудратни фақат эзгу ва яхши ишларга сарф этиш йўлида барча тенгдошлар "Камолот" атрофида бирлашсак, бизни енгадиган ёвуз кучлар таг-томири билан йўқ бўлишига шак-шубҳа йўқ!

Зоҳиджон ТЎРАЕВ

«КАМОЛОТ» ЕТАКЧИЛАРИ

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топгандан буён ўтган вақт ичида ёшлар орасида қандай мавқега эга бўлди? Янги тузилма ёшлар орасига қандай кириб бораяпти? Аввало, шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, бугунгача Ҳаракатнинг Фарғона шаҳар бўлими ўз сафига 55 мингдан ортиқ ёшларни бирлаштириб, ўз фаолиятини кундан-кунга юксалтириш йўлида астойдил интилмоқда.

Ёшлар билан ишлашда, табиийки, кечаги кун усулларини тадбиқ этиб бўлмайди. Бугунги ёшларни нималар қизиқтиради, уларни ўз сафимизга бирлаштириш учун нималар қилишимиз керак эканлигини ёшлар тарбиясига масъул бўлган ҳар бир ташкилот, раҳбар яхши билиши зарур. Ҳаракатнинг иш фаолиятини ривожлантириш биринчи ўринда жойлардаги бошланғич ташкилоти етакчиларининг қанчалар фаоллиги, ёшлар билан ишлаш қобилиятининг нечоғли юксаклигига боғлиқ. Фарғона шаҳрида 34 та мактаб, 2 та олий ўқув юрти, 15 та коллеж, 4 та техникум ва касб-ҳунар мактаблари бор. Ўтган вақт мобайнида барча илм даргоҳларидаги бошланғич ташкилотларда йиғилишлар ўтказилиб, ёшларнинг ўз хоҳиш-истаклари асосида етакчилар сайланди ва Ҳаракат аъзолигига қабул қилиш ишлари олиб борилди.

Ҳаракат ёшлар билан ишлашни маҳалладан бошлади, чунки боланинг бош тарбияси оила, маҳалладан бошланади. Фарғона шаҳрида 54 та маҳалла фуқаролар йиғинида шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ҳаракатнинг шаҳар бўлими, шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, халқ таълими, "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорликда "Гиёҳвандлик, "Жиноятчиликнинг олдини олиш", "Диний экстремизмга қарши кураш" мавзуларида суҳбатлар, видеолавҳалар кўрсатилди.

Ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларга яратилган шароитлар билан танишиш мақсадида пахта далаларида ФарДУ, Тиббиёт билим юрти, 27-ҲМК, 2-ТошМИ Фарғона филиали талабалари ҳузурида бўлиб, ёшлар муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бердилар. Шаҳар прокуратураси, ички ишлар, халқ таълими бўлими ҳамкорликда деҳқон бозори, шоҳбекат, оромгоҳларда қўшма рейдлар ўтказилди. Маҳаллаларда кам таъминланган оилалар рўйхати тузилиб, шаҳар бўлими томонидан ўқув қуроллари сотиб олиниб, маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлари ҳамда мактабларда ўқийдиган кам таъминланган оила фарзандларига тарқатилди. Бундан ташқари шаҳар "Камолот"чилар истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида иқтидорли, истеъдодли ёшларни топиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Хусусан шаҳардаги ўқув юртлари, мактабларда таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар ўртасида "Камолот" олимпиадаси ўтказилиб, унда 60 дан ортиқ ёшлар қатнашди. Беллашувда энг юқори балл олган 14 нафар ёшларга шаҳар бўлими томонидан "Камолот" стипендияси таъсис этилди. Ўз навбатида айтиб ўтиш керакки, ўтган вақт ичида амалга оширилган ишлар билан бирга ҳали уддалай олмаган ишларимиз ва камчиликларимиз ҳам етарли. Шаҳримизда ёшлар дам оладиган, спорт билан шуғулланадиган спорт секциялари борми? Ҳа, бор, лекин ҳаммаси пулли, кам таъминланган оила фарзанди бундай спорт секцияларига бора оладими? Шаҳримизнинг Охунбобоев мавзесида жойлашган 26- мактаб ҳаробага айланган, бир вақтлар ёшлар билан гавжум бўлган жойлар қаровсиз, ҳувиллаб ётибди. Кирган одамнинг юраги орқага тортиб кетади. Бундай шароитда болажонларимиз қандай қилиб тўлақонли билим оладилар, уларнинг маънавий тарбияси қандай аҳволда бўлади?!

Тўғри, бу каби муаммолар бир кунда ёки битта қарор билан ҳал бўлмайди. Бу каби иллатлар ва оғриқларга барҳам бериш учун маҳалла, оила, мактаб, ҳуқуқий идоралар ўзаро ҳамкорликда, ҳамфикр-ҳаммаслакликда фаолият олиб боришлари лозим. Агар мақсадлар муштарак бўлса, кўзлаган орзу-мақсадларимизга тезроқ етамиз. Ҳаммамизнинг ҳам мақсадимиз бир, яъни жонажон она Ўзбекистонимизни бундан-да тараққий этишига ўз ҳиссамизни қўшиш эмасми, ахир. Мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлаш учун эса бугундан мустаҳкам пойдевор қўйишимиз зарур. Чунки, келажак бугундан бошланади!

Ҳалимахон УЗОҚОВА,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар Кенгаши раиси

«КАМОЛОТ» ТАДБИРЛАРИ

СПИД – ФОЖЕА, ДАВОСИ ЙЎҚ ДАРД ВА НИҲОЯТ ЎЛИМДИР!

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумот беришига қараганда, бугунги кунга келиб дунёда 60 миллиондан ортиқ киши ОИТС вируси билан зарарланган. Улардан 25,5 миллиони вафот этган, ҳар бир сонияда ер юзида 18-19 киши ўзига ушбу касалликни юқтираётгани ўта ачинарлидир!

Касаллик вируси юққандан кейин бир неча ойдан 5-10 йилгача давом этувчи яширин давр бошланади. Бу даврда одам ўзини соғлом ҳис қилади ва вирусни ташиб юриб бошқаларга ҳам юқтиради.

ОИТС билан касалланиш кўрсаткичларининг асосий фоизи 18-40 ёшдагиларга тўғри келади. Шу бугунга келиб мамлакатимизда 585 нафардан ортиқ ОИТС юқтирганлар аниқланган бўлса, уларнинг 78 фоизини гиёҳвандлар ташкил этади.

Мамлакатимизда ОИТСни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида қонун қабул қилинган. Ҳозирча ОИТС касаллигига қарши махсус ва кафолатли даволаш усуллари топилмаган. Бу касалликни фақат олдини олиш мумкин.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш учун 114та "Ишонч пунктлари" ишлаб турибди. Вилоятимизда ҳам 7та "Ишонч пунктлари" очилган. Бу борада энг муҳими касалликка чалиниш "хавфи"дан узоқ юриш лозим. Чунки СПИД — фожеа, давоси йўқ дард, кулфат. Ва ниҳоят охири ўлим билан ниҳоясига етувчи ажал уруғидир.

Кундузхон ҒИЁСОВА,
Фарғона вилояти СПИДга қарши курашиш маркази мутахассиси

Рукн материалларини «Turkiston»нинг махсус мухбири Ботир ОМОН тайёрлади

ILLAT

Миллат саломатлигини сақлаш

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ФОЖИАСИ

Гиёҳвандлик — инсонни жисмоний ва руҳий томондан қамраб оладиган, ниҳоятда кенг кўламли хасталикдир. Гиёҳвандлик йўлига кирган одам аста-секин ўзининг барча маънавий фазилатларини йўқотади, руҳий жиҳатдан заиф ёки бутунлай телба бўлиб қолади, ёру биродаридан ва оиласидан маҳрум бўлади.Ишсиз ва маблағларсиз қолади, натижада жиноий муҳитга кириб кетади.

Охирги йилларда гиёҳвандлик дунёда асосий муаммолардан бирига айланди. У бутун инсоният саломатлигига катта хавф туғдирмоқда, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига, уларнинг иқтисодиётига таҳлика солмоқда. Бинобарин гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганларнинг кўпчилиги ёшлар эканлиги ташвишли ҳолдир.

Яқинда ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гиёҳванд моддалар аҳоли қатламининг 15-23 ёшдаги ўсмир-ёшлар орасида кўпроқ истеъмол қилинар экан. Уларнинг кўпчилигини яхши таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этаркан. Улар наркотик турлари ҳақида яхшигина маълумотга эга, кўпроқ героин, кокаин, ҳатто ЛСД, экстази ва барбитурат моддаларни истеъмол қилишни айтишган. Гиёҳванд моддаларни истеъмол эта бошлаш носоғлом муҳит, назоратнинг йўқлиги, дўстлари ёки қўшнилари ичида гиёҳвандларнинг борлиги ва кўпроқ қизиқувчанлик сабаб бўларкан.

Айниқса, ўсмирларнинг мустақил ҳаётга қадам қўяётган даври хавфли давр ҳисобланади. Чунки, берилган озодликдан "маст" бўлган ўсмирларнинг келажаги унинг қайси муҳитга тушиб қолишига боғлиқ.

Гиёҳфурушларга эса гиёҳвандлар сони қанчалик кўпайса, шунча яхши, даромадлари ошиб бораверади. Улар бу балони бутун дунёга тарқатиб юрадилар, мақсадлари бойлик орттиришдир. Ҳатто, пули кўп ота-оналарнинг фарзандларини атайлаб бу йўлга тортиш учун гиёҳванд моддаларни уларга дастлаб текинга бериб, ўргатиб олиш ёки ўзига билдирмасдан бериш ҳоллари ҳаётда учраб туради.

Гиёҳванд моддалари ичида героин ҳақли равишда энг хавфлиси ҳисобланади. У морфидан тайёрланадиган ярим синтетик модда бўлиб, бошқа қорадориларга қараганда 20-30 баравар кучлидир, у инсонда жуда қисқа муддатда кўникма ҳосил қилади, баъзан уни биринчи ёки иккинчи марта қабул қилган одам дарров унга ўрганиб қолади. Героин сариқ, захм ва ОИТС касалликлари билан чалинишга, жигар, юрак, ўпка ва бош мия функцияларининг бузилишига олиб келади. Организмнинг касалликларга қарши курашиш қобилияти кескин пасаяди.

*Гиёҳвандликни олдини олишнинг ягона йўли — **ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАТИБ КЎРМАСЛИКДИР.** Бугунги кунда барча соғлом фикрлайдиган инсонларнинг бурчи — миллат саломатлигини сақлаш, бу билан мамлакатимиз тараққиёти ва ривожланиши учун имконият яратиб беришдан иборатдир.*

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА

АСОССИЗ ШИКОЯТ... ЎРГАНИЛДИ

Элликқалъа туманидаги "Боғиёп" ширкатлар уюшмаси аъзоси, 18 бригадада насос тузатувчи бўлиб ишлаётган Шавкат Худойберганов 2002 йил 8 январда таҳририятга ёзган шикоятида, жумладан шундай дейди: "Бригада еридан етти гектарини оилавий пудрат қилиб олган эдик. Еримиз ёнида ўн беш сотихча ташландиқ, қаровсиз ётган жой бор эди. Биз ерга ишлов бериб, бегона ўтдан тозаладик, энди экин экмоқчи бўлиб турувдик, бригадамиз бошлиғи тортиб олди. Меҳнатимизга ачиниб, у кишига учрашдим: "Ерни ноқонуний ўзлаштиргансанлар", дея қулоқ солмади".

Шавкат Худойбергановнинг шикоят хати юзасидан махсус мухбиримиз Эрпўлат Бахт журналист текширувини ўтказди.

Маълум бўлишича Ҳақиқатдан ҳам Ш. Худойберганов 18-бригада ҳудудида қаровсиз ётган ўн беш сотих ерни ўзлаштириб, ишлов бериб келган. Бироқ унинг бу ҳатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига, жумладан, "Ер тўғрисида"ги Кодексга зиддир. Табиий ресурслар қатори ер ҳам давлат мулки ҳисобланади. Уни ўзлаштириб, фойдаланиш учун, албатта, расмий идоралар билан ўзаро тузилган шартнома зарур. Аммо фуқаро Ш. Худойберганов шартнома тузмасдан, ўз билганича фойдаланиб келган. Мазкур ўн беш сотих ер "Боғиёп" фермерлар уюшмасига кирим қилиниб, Зулфия Худойбергановага 2001 йил 15 ноябрда ижарага берилган".

BUGUNNING SABOQLARI

Сув тўрт унсурдан бири сифатида қадимдан эъзозлаб келинган

КЎЗГА КЎРИНМАС «ХАТАР»

Миллий тараққиёт йўлини белгилашда, халқимизнинг ўзига хос фалсафий меросини ўрганиш муҳим роль ўйнайди. Бу дегани, аждодларимизнинг дунёқараши, тафаккур тарзи, ҳаёт тажрибаси ўз ифодасини топган қарашлар, яъни фалсафамизни чуқур билишимиз зарурлигини англатади. У бизга руҳий қувват бағишлайди. Миллий-маданий меросимизга нисбатан фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Бу туйғуга эга бўлган тафаккур эгаси ҳар қандай хавф-хатарни англай олади. Ана шундай хатарлардан бири глобаллашув жараёнлари билан боғлиқдир. Бу айниқса, ахборот соҳасида анча илдамлик қилмоқда. Ахборот орқали кишилар онгига таъсир кўрсатиш, муайян мақсадлар учун хизмат қилдириш хатари мавжудлиги кишиларимизга сирли жойи қолмади.

Четдан кириб келиш эҳтимоли бўлган зарарли, миллат руҳига ёт ғояларга қарши мустаҳкам туриш учун иммонэтиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришимиз керак. Одамлар онгидаги ўзгариш, милий ғурур, қалб кенглиги ва улуғлигига эришиш, мустақиллиқнинг ўзак томиридир. Ҳаётни тўғри англайдиган замонавий билимларни ўзлаштирган, савияси баланд кишиларнинг кўпайиши тараққиётга мустаҳкам пойдевор бўлади.

Яна бири эса кейинги вақтда кўп бор тилга олинаётган ер, сув ва табиатга бўлган нотўғри муносабатда кўзга ташланади. Маълумки, минтақамизда қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида суғориладиган деҳқончиликка асосланган. Шунинг учун ҳам ўлкамизда ер ва сувни асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилган. Ер, ҳаво, сув ва олов тўрт унсур сифатида қадимдан эъзозлаб келинган.

Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий обод-ахлоқ қоидаларидан кишиларимиз шўролар даврида анча бегоналаштирилди. Натижада сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш ҳоллари пайдо бўлди. Бугун табиатдан оқилона фойдаланишга катта эътибор беришимиз лозим. Бу маънавий қадриятларнинг тикланиши, ҳозирги дунё ва ахборот цивилизациясига мослашиш ҳамдир.

Шу ўринда ёшларимизнинг миллийликни англаб етиши, ўтмишни, моддий ва маънавий, маданий ёдгорликларни ўрганиши, илм-фан соҳасида пешқадам бўлишлари муҳим. Хусусан, миллий урф-одатлар, анъаналарга алоҳида эътибор қаратилиши орқали халқнинг ўзига хос миллийлигини ҳис этиш ва бунинг негизида демократик жараёнларни кучайтириш, энг муҳими, сўз ва амалиёт бирлигини таъминлаш тараққиётининг муҳим омиллари ҳисобланади.

Минг йиллар мобайнида шаклланган фалсафий мерос унутилса, унинг ўрнини умрбоқий ғоялар, қарашлар билан тўлдириш осон кечмаслиги ҳаммага аён. Шундай экан, тарихий миллий фалсафий мерос ўтмишгагина эмас, балки бугун ҳам катта маънавий қувват берадиган илдиздир. Меросимизга бўлган бундай ёндошув ҳозирги фалсафани ўз негизига қўяди.

Миллий фалсафа мамлакат манфаати, тараққиёт йўли, эртанги кун уфқларини ўзида ифодалайди. Демократия эса жамият ҳаётидан чуқур ўрин олиб, тараққиётга сезиларли таъсир ўтказади.

Шундай экан, миллий фалсафий мерос ва ҳозирги замон фалсафаси бир-бирига зид тушунчалар эмас. Миллий фалсафа мавжуд барча миллатлар ва халқларнинг манфаатларини уйғун тарзда ифода этади ва миллий фалсафа тамойиллари демократиянинг энг муҳим тамойиллари билан мазмунан яқин бўлиб, мамлакат ва халқнинг фаровон ҳаёт кечиришига қулай шароит яратади.

Ҳасан ОМОНОВ

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда оммавийлашиб бораётган спорт турларидан бири теннисдир. Мактаб ўқувчилари ўртасида унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бухоро шаҳридаги "Ҳумо" теннис клубида 300 нафардан ортиқ ўсмирлар машғулотларда иштирок этмоқда.

Яқинда ёш теннисчиларнинг маҳоратини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида шаҳар миқёсида "Камолот" соврини учун теннис мусобақаси ўтказилди. Унда умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари қатнашдилар.

Мусобақа якуни бўйича 3 та совринли ўрин 18-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Улардан Фотима ва Зуҳра Қосимовалар I, II ўринларни, Нафиса Каримова эса III ўринни эгаллаб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгашининг совринларига сазовор бўлдилар.

А.ЗИКРИЛЛАЕВ

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ – 2002

Европа чемпионлар лигаси гуруҳларида иккинчи давранинг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

"А" гуруҳи

Бавария (Германия) — Боавишта (Португалия) — 1:0 (Санта Круз 81)

Манчестер Юнайтед (Англия) — Нант (Франция) — 5:1 (Да Роша 17 (0:1), Бекхэм 19 (1:1), Сульшер 31 (2:1), Сильвестр 38 (3:1), Ван Нистелрой 64 (4:1), Сульшер 78 (5:1).

"В" гуруҳи

Рома (Италия) — Барселона (Испания) — 3:0 (Эмерсон 61, Монтелла 74, Томмази 90)

Галатасарой (Туркия) — Ливерпуль (Англия) — 1:1 (Никелеску 70, Хески 78)

"С" гуруҳи

Порту (Португалия) — Реал (Мадрид, Испания) — 1:2 (Солари 7, Эльгера 20, Капушу 28)

Панатинаикос (Греция) — Спарта (Чехия) — 2:1 (Константину 15,47 ва Клейн 90)

"Д" гуруҳи

Арсенал (Англия) — Байер (Германия) — 4:1 (Пирес 5, Анри 7, Вьейра 48, Бергкамп 83, Себешен 86)

Депортиво (Испания) — Ювентус (Италия)— 2:0 (Тристан 8, Жалминья 76)

Тўпурарлар рўйхати

8 — Трезеге (Ювентус), Ван Нистелрой (М.Ю.)

7-Анри (Арсенал)

6-Элбер (Бавария), Клюйверт (Барселона)

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

БАНДЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлади, халқимизнинг миллий менталитети, қадриятлари ва анъаналари ҳисобга олинди. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Илк босқичда демократик тамойилларга асосланган ҳолда эътибор зиддиятларни кескинлаштирмаслик, муқаррар қийинчиликларни эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатиш ва фуқароларнинг янги турмуш шароитларига мослашишини таъминлашга қаратилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсатнинг бозор муносабатларига ўтаётган бошқа давлатлар сиёстидан афзалликларидан бири ҳам шундадир.

Ўзбекистоннинг етакчи тамойилларидан бири ҳам кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш эди.

Ижтимоий сиёсат кенг қамровли, бой мазмунга эга. Даромад ва нарх сиёсати, кадрлар тайёрлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш ёки бандлик сиёсати, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсати ижтимоият тармоқларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бошиданоқ аҳоли истеъмол ва даромадидаги фарқлар кескинлашувининг олдини олишга, иқтисодиётни барқарорлаштириб, ривожлана борган сари мавжуд фарқларни қисқартириб боришга қаратилди.

Аҳоли даромади асосан ойлик иш ҳақи, ижтимоий трансфертлар, мулк даромади, тадбиркорлик фаолияти туфайли тушадиган тушумлар каби манбалардан шакилланади. Шу боис, даромадлар камайиб, кўпайиб туради. Даромад ошганда инфляциянинг ҳаракати секинлайди. Шу ўринда атоқли инглиз иқтисодчиси Чарльз Карлтоннинг ушбу ибораси ўринлидир: "Даромад пайпоққа ўхшайди, кичкина бўлса юришда қийналасиз, катта бўлса тушиб кетаверади, тушиб кетаверади".

Ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти аҳолини иқтисодий ва ижтимоий "силкинишлар"дан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Бунинг бозор шароитида муҳим ўрни бор.

Статистик маълумотларга кўра, аҳоли даромадларининг 60 фоизи иш ҳақи ҳиссасига тўғри келади. Аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг ўзак йўналишидир. Меҳнатда бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошишини таъминлайди. Шу боисдан, Республикамиз Президенти Ислом Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган маърузасида: "Меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга", деган эди.

Аҳолининг меҳнатда бандлигига фақатгина иқтисодий категория сифатида ёндошибгина қолмай, балки сиёсий категория сифатида қараш "мафкуравий бандлиги"ни ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Мафкуравий бандликни аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида амалга ошириш зарур.

Чунки ёшларнинг нима билан машғул эканликлари, таъбир жоиз бўлса, қандай ўй-хаёллар оғушидалиги нафақт иқтисодий ва тарбиявий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Бу йўналишда сўровлар ва тадқиқотлар олиб бориш фойдадан холи бўлмайди. Бунда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга, жамиятдаги ўзгаришларга қанчалик онгли муносабатда бўлаётганлиги ўрганиб борилади.

Ваҳоланки, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ижтимоий-сиёсий барқарорлик — сиёсий тизим институтларининг самарали ишлашини таъминлайдиган, қонунлар ишлаши ва жамоат тартиби, хотиржамлик ва хавфсизлик сақланиши учун негиз яратувчи пойдевор, жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг, барқарор ривожланиш ҳамда тараққиётнинг кафолатидир".

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси, иқтисод фанлари номзоди

БИНО ЭСКИ, ТАЪЛИМ ЯНГИ, ЯНГИ, ТАЪЛИМ ЭСКИ

Ёшлар етакчиси нега гангиди?

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ўқув юртларида бўлганимизда ғалати вазиятга тушиб қолдим.

Самарқанд Агротадбиркорлик коллежига ташрифимиз директор қабулхонасидан бошланди:

— Ассалому алайкум.

— Здраствуйте.

— Директор борми?

— Их нету.

— Қачон келади?

— Незнаю.

Коллеж директори котибаси билан бўлиб ўтган қисқача мулоқотимиздан сўнг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Носирдин Назаровга учрашдик. Носирдин ака яқиндагина бу лавозимга тайинланган экан. Шу сабаб етарли маълумот ололмадик. Мингдан зиёд талаба таҳсил олаётган ўқув масканида етмиш нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Агрономия, экология, бухгалтерия, менежмент, автомобиль йўлларини таъмирлаш ва назорат бўлими, ҳуқуқшунослик каби замонавий мутахассисликлар мавжуд.

Агротадбиркорлик коллежи — тадбиркорликни ривожлантириш имкониятига эга бўлган билимгоҳлардан бири. Бироқ шартнома асосида ўқийдиган талабалардан тушадиган маблағлардан бошқа қўшимча даромад манбаи йўқ экан. Юз ўринли ётоқхонада эллик нафар талаба яшаётганига эса тушунолмадик. Маънавий-маърифий тадбирлар режаси билан маънавият хонаси ёпиқ бўлганлиги сабабли, таниша олмадик. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг билимгоҳдаги етакчиси Абдулазиз Зиядуллаевни эса на хонаси, на бирон ҳужжати бор. "Туркистон" газетасига қанча обуна бўлганлигини ҳам билмайди. Тадбирлар ўтказдим, деди-ю, баённомаларни кўрсата олмади.

Каттақўрғон Тиббиёт коллежидамиз. Кўримсизгина, деворлари ёрилиб, нураш ҳолига келиб қолган бино 1926 йилда ҳашар йўли билан қурилган. Шарт-шароитлар етарли бўлмаса-да, билим юрти маъмурияти, фидойи ўқитувчилар ўқитишнинг янгича технология ва услубларини тадбиқ этишга астойдил интилмоқдалар. Айниқса, талабалар ётоқхонасига бориб, фикримиз анча ўзгарди. Газ ўчоқлари, санузел, бошқа керакли жиҳозлар ишлаб турибди. "Мини-студия" ташкил қилинган. Радио ва телеахборотларни студиядан туриб барча қаватларга узатиш имконияти мавжуд. Ота-оналар хонаси, дам олиш, маънавият хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Шинам хоналарда яшаётган талабалар ўқув маскани маъмуриятидан, мамнун эканликларини айтишди. Икки мингга яқин талаба таҳсил олаётган Тиббиёт коллежида ҳамширалик, стоматология, акушерлик иши каби мутахассисликлар бўйича эл саломатлиги посбонлари тайёрланмоқда. Тўқсон етти нафар тажрибали ўқитувчилар таълим-тарбия ишларига масъулдирлар. Моддий техника базаси мустаҳкам. Аммо бу ўқув масканига замонавий бино жуда-жуда зарур эканлиги кўриниб турибди.

Содиқ НАМОЗОВ,
«Turkiston» мухбири

Жаҳон ҳаёнлари

ФРАНЦИЯ

Кеча Италия билан Франция чегарасидага ер ости йўлида порт-лаш рўй берди. Бу йўл бир неча йил олдин, 39 кишининг ҳаётини олиб кетган фожеадан сўнг ёпилганди.

Энди айни очилиш маросими арафасидаги бу ҳодиса Франция томонини анча ташвишга қўйди. Энг қизиғи бу ер ости йўлининг очилишига экологлар қарши бўлишган.

ЯҚИН ШАРҚ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Фаластин ҳукумати билан музокара олиб боришга тайёргарлик кўраётганда янги террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди.



"Момент" кафеси ичида "Эзеддин ал-Қасам" гуруҳи аъзоси ўзини портлатиб юборди. Натижада 11 киши ҳалок бўлди, 60 нафари жароҳатланди. Бу кафе Ариэл Шарон қароргоҳидан 100 метр нарида жойлашган. Бунгача 2 та — Нетания ва Нецарим шаҳарларида Исроил полицияси формасини кийиб олган бир нечта террористик гуруҳ аъзолари оломонга қарата ўқ узганлар. Бунга жавобан Исроил ҳукумати Иордан дареси бўйидаги бир қатор шаҳарларга ҳаводан ҳужум уюштирганлар.

АҚШ

Чикаго шаҳрида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Осмонўпар бинонинг 43-қаватидан тушиб кетган қурилиш ашёлари 3 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 4 киши оғир жароҳатланди.

РОССИЯ

Омскдаги мактабларнинг бирида ғаройиб тажриба ўтказила бошланди. Ўқитувчилар дарсларни шеър ёрдамида ўтишяпти. Уларнинг фикрича, ўқувчилар дарсларни шеър ҳолида эшитсалар фанларни яхшироқ ўзлаштирар эканлар ва фанга бўлган қизиқиш ортиб бораркан. Бу тажрибадан математика, физика, чизмачилик ўқитувчилари ҳам четда турғани йўқ. Ҳозирча натижалар ўқитувчиларни қувонтиряпти, чунки шеър билан дарс ўтилаётган синфларда ўзлаштириш анча кўтарилди.

МЕКСИКА

Мексикада наркосавдога қарши уюштирилган энг йирик операция муваффақиятли амалга оширилди. Бу операцияда АҚШда қидирилаётган жиноятчилар рўйхатида турган йирик наркоборонлар қўлга олинди. Улар амалга оширган жиноятлар қаторидан қотиллик, қурол-яроғ савдоси ва одам ўғирлаш каби мудҳиш ҳодисалар ўрин олган.



Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади

ЯШНАЙВЕР, САКУРА!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида асир тушган япон ҳарбийларининг бир қисми Бухоро вилоятига, аниқроғи, Когон шаҳрига жўнатилган эди. Тақдири азал, деганларидай, уларнинг 159 нафари шу ердаги қабристондан абадий қўним топди.

Марҳумлар ёдини эъзозлаш халқимизга хос фазилат. Шу боис японлар қабри ҳеч қачон қаровсиз қолдирилган эмас.

Яқинда ушбу қабристонга Японияндан келтирилган сакура дарахти кўчатлари ўтказилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда сўзга чиққанлар марҳумлар хотираси бундан буён ҳам эъзозланиши, Бухоро заминида бўй чўзадиган сакура ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилажагини таъкидлади.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири

ҚЎШИҚ — ИЧКИ ТУҒЁН

«Turkiston» Қаҳвахонаси

Ойбек ҲАМРОҚУЛОВНИ мен лирик хонандалар сафига қўшгим келади. Сабаби унинг қўшиқларида инсон қалбининг нозик торларини чертиб юборадиган гўзал ва нафис туйғулар бор. Овозидаги майинлик, соҳирлик юрак-юракларингизни жимирлатгандек бўлади.

— Кўпгина ёш хонандалар устоз-ҳофизлар ижро этган қўшиқларни куйлашга жазм қилишяпти. Бироқ, ҳамма хонандалар ҳам кўнгилдагидек маромига етказиб айтишолмаяпти. Тўғри, устозлар даражасида куйлашсин, деган талабни қўёлмаймиз, албатта. Лекин қўшиқнинг ижро йўли, мусиқа бузилмаслиги керак. Сизнинг ижронгиздаги мумтоз қўшиқларда эса оҳанг ҳам, ижро ҳам, ҳатто авж пардадаги нозиклик ҳам сақланиб қолган. Бу қўшиқни куйлашга нима туртки бўлди?

— Болалигимда Комилжон Отаниёзов ижросидаги қўшиқларни эшитганимда вужудимда ҳаяжон, титроқ пайдо бўларди. Узоқ хаёлларга берилиб кетардим ва ўзўзидан кўзимга ёш келарди. Ўзимни тўхтатолмай йиғлаган пайтларим бўлган. Юрагимга аллақаердандир "уҳ" келарди. Балки сўзлари, балки устознинг дарди, ижроси мени мафтун этгандир?

Қўшиқнинг матнини анчагина тополмадим. Бир куни синглим устоз ижро этган қўшиқлар тўпламини олиб келди. Қўшиқлар орасидан уни топдим. Очиғи, ўзимча айтиб юрар эдим-у, уни ёзиб халққа тақдим этиш хаёлимга ҳам келмаганди. Бир танишимнинг йиғинида шу қўшиқ билан даврани очдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, даврадагилар "воҳ", деб бақириб юборишди. Санъатни қадрлайдиган, яхши тушунадиган Равшанбек деган акамиз менга: "Ойбек, шу қўшиқни айт, мендан қандай ёрдам керак бўлса, бераман", деб қолдилар. Шу гап сабаб бўлиб қўшиқ ёзилди.

— Кечирасиз, бу ғазал кимнинг ғазали?

— "Тоҳир ва Зуҳра" достонидан олинган.

— Демак, сиз қўшиқ куйлашда матнга алоҳида эътибор берасиз, шундайми?

— Албатта. Тўғрисини айтсам жуда кўп китоб ўқийман. Достонлар, тарихий мавзудаги китоблар, шеърий тўпламлар, хуллас бисотимда жуда кўплаб китоблар топилади. Қўлимга тушган шеърни қўшиқ қилиб кетолмайман. Матн қўшиқнинг устуни.

— Ёшлар орасида тезроқ машҳур бўлиш "касал"и тобора кучайиб бормоқда. Ижоди халқни қониқтирадими ё йўқми хонандалар тезроқ машҳур бўлиш, тезроқ элга танилиш учун бир-биридан ўзишга ҳаракат қилишяпти. Натижа эса маълум... Аммо, сизнинг ҳам имкониятларингиз йўқ эмас-ку. Бироқ, негадир сизда хотиржамлик сезилиб туради. Бу нимадан?

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Табиатимдаги хотиржамлик, бирон ишни қилишга шошмаслик дадамдан ўтган бўлса керак. Айниқса, қўшиқчиликда, санъатда шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак. Бу деганим, менга ҳамма нарса барибир, деганим эмас. Дадам бизга доим бир гапни эслатадилар. "Санъатнинг нонини ейишдан аввал унинг машаққатларини бошингдан ўтказ, ўзинг унга дош бер, нимага эришсанг ҳам ўз кучинг ва меҳнатинг билан эриш, менга орқа қилма", дейдилар. Бу насиҳат доимо менинг қулоғимда. Масалан, бир йилда тезкорлик билан 4-5 та ўзимга сингдиролмайдиган қўшиқ куйлагандан, сингадиган битта қўшиқ яратиш мен учун афзал. Секинлик билан бўлсада, "узоққа" борадиган қўшиқлар ижро этгим келади.

— Секинлик билан манзилга етиб бораман, деяпсиз. Тўғри-я, лекин вақтдан ютқазиб қўймайсизми?

— Халқда бир гап бор: "Минг қилгин жаҳдужадал буюргандан ортиғи бўлмайди". Одамзот кўп нарсаларни хоҳлайверади. Лекин дунёда биз хоҳлаган нарсалар бўлавермайди. Ҳар бир нарсанинг ўз вақти-соати бор. Вақти келиб, устозлар куйлаган саҳналарда ўз концерт дастурларимни намойиш этарман...

— Кўпинча бахтлимисиз, деган саволлар билан аёлларга мурожаат қилинади. Менимча эркаклар ҳам бахтли бўлишга ҳақлари бор. Шу маънода сиз бахтлимисиз?

— Жуда бахтлиман, отам, онам, синглим ва укам бор. Турмуш ўртоғим ва икки фарзандим бор.

— Сизнингча, муҳаббат нима? У борми?

— Менимча, муҳаббат инсонга инсоннинг қаттиқ боғланиб қолиши бўлса керак.

— Сир бўлмаса, севимли машғулотингиз ҳақида?

— Отлар жону дилим. Уйда битта отим бор. Ижоддан бўш вақтларимда отда сайр қилишни яхши кўраман.

Ойбекнинг қўшиқлари юракка яқин қўшиқлар. Тинглар экансиз, кўнглингиз бир юксалгандай бўлади, руҳ тозаради.

Матлуба ТЕМУР қизи суҳбатлашди

— Бир нарса аниқки, бола ўқитувчига меҳр қўйса, устозини "энг билимдон" ҳисобласа, албатта, у китоб ўқишни ва дарсга қатнашни канда қилмайди. Унинг ягона орзуси ўзи ҳурмат қилган ўқитувчиси каби инсон бўлиб етишиш бўлади.

Абдулатиф НОРҚУЛОВ:

ЎҚУВЧИНИ АЙБЛАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Эсимда, ўқувчилик пайтларимизда бирор бир нарса ҳақида баҳсли савол-жавоблар бўлиб қолса, дарҳол ўқитувчимизга югуриб борардик. Демак, ўқитувчи ҳамма нарсани билади ёки билиш керак, деган фикр ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бўшлиқни тўлдириб, ўзаро ҳурмат-эътибор меъёрини таъмин этиб тураркан.

Бугун-чи? Назаримда, бугун ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган узвийлик давом этяпти. Таълим-тарбия масканларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Лицей, академик лицей, коллежларни қўя туринг, мактабларни тугаллаб олий ўқув юртларида, "Умид" жамғармаси гранти соҳиби бўлиб, дунёнинг кўзга кўринган университет ва институтларида таҳсил олаётган ёшларимиз камми? Тўғри, беш қўл баробар бўлмаганидек, ўқувчилар орасида илмга меҳр қўймаган, амаллаб кунни ўтказаётганлари ҳам учрайди.

— Бироқ, биз бу ўринда болани қоралашга ҳаққимиз йўқ. Энг аввало, ўқитувчи-устоз деган номни қорага чаплаётган, ўзи тарбиясиз бўла туриб, тарбия масканида сабоқ бераётганларни ва "ўқиганинг билан келажакда янги Америка очармидинг" дея боланинг фикру хаёлини заҳарлаётган ота-онани ҳар қанча айбласак, тўғри иш қилган бўламиз, — дейди Бойсун тумани халқ таълими бўлими мудири Абдулатиф Норқулов.

— Туманимиз тоғли ҳудудда жойлашгани боис мактабларни газлаштириш, керакли жиҳозлар билан таъмин этиш нисбатан қийинчилик туғдиради. Шундай бўлса-да, барча имкониятларни ишга солиб, ёз ойларида туманимиздаги кўмир конидан керакли кўмир ёқилғисини ташитиб қўямиз.

Мени қувонтирган жиҳати шундаки, ўқувчиларимиз қилган ҳаракатимиз ва яратган имкониятимизни зое кетказмайди. Ҳар йили жилла қурса, 5-6 нафар ўқувчимиз вилоят олимпиадасида, бир-иккиси республика олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, кўнглимизни тоғдек кўтаради. Биргина мисол, ҳозир ҳам бўлиб ўтаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасини олиб кўрайлик.

Тумандаги мавжуд 54 та мактабнинг барчасидан ёш спортсевар ўқувчилар қатнашиб, мусобақалар кескин баҳслар остида ўтди. Асосий турлар бўйича 5-ва 36-мактаблар муваффақиятли иштирок этди. Ишонтириб айтаманки, туманимиз ўқувчилари спортнинг шахмат шашка, теннис, кураш, енгил атлетика турлари бўйича нафақат вилоятда, балки республикада ҳам эсда қоларли натижаларни қўлга киритади. Буни ишонч билан айтишимга асос бор.Чунки Бойсунда машҳур полвонларимиз, кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, кураш бўйича бир неча бор Президент соврини соҳиби, Сидней олимпиадаси қатнашчиси, Осиё чемпиони Абдулла Тангриев, Ўзбекистон чемпиони Давлат Чориевлар улғайган.

Бундан ташқари, ёшларимизда адабиётга, санъатга алоҳида қизиқиш бор. Баъзан мактабларда бўлганимда, ёшгина болаларнинг шеър айтиши, дўмбира чертиб бахшилик қилиши, тўлқинлантириб юборади. Бежизга бу юртдан Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев, Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азим, таниқли ёзувчи Эркин Аъзам, машҳур рассом Рўзи Чориев, Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди Болтаевлар етишиб чиқмаган, деган хулосага келаман. Бугун ҳам ёшларимиз орасида шоир-ёзувчилар, санъаткор-бахшилар кўп. Бунга қўшимча Бойсунда учта халқ ансамбли ва ёш эстрада гуруҳи фаолият юритаётгани ҳам бу юртда санъатимиз, адабиётимизга ҳисса қўшадиган кўплаб инсонларнинг етишиб чиқишидан дарак беради.

Дарҳақиқат, азалдан Бойсунда таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратилган. Буни қисқа фурсатда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг тоғлар орасидаги чекка бир қишлоқ мактабигача етиб, яратилаётган қулайликлардан ўқувчилар унумли фойдаланаётганидан ҳам билиш мумкин. Айниқса, халқ таълими бўлимида ва ҳар бир мактабда "Мониторинг" хоналарини ташкил этишда ижодий ёндошилиб, замонавий шинам қилиб жиҳозланаётгани керакли ҳар бир китоб, нашрлар мавжудлигини ҳамда ҳар бир мактабнинг (мактабларда ўқитувчиларнинг) кўрсаткичлари кўринарли жойда осиғлик турғани, ишлаган, изланган киши ҳар нарсага қодир эканлигини намойиш этади.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
«Turkiston» мухбири

MAKTUBLARIM
Биз бахтиёр эдик

Ёшлик — олтин давр. У шўхликлари, инжиқликлари, айниқса, муҳаббат аталмиш гўзал туйғулари билан инсон хотирасида мангу муҳрланади.

МЕН СИЗНИ СЕВАРДИМ

Муҳаббатим! Сокин тунда, ойдин оқшомда, ой мўралаб кулиб турган паллада юлдузлар тўла осмонга боқиб сени ўйлаяпман. Ана, сен кўрсатган юлдуз, ёнидаги меники. Ерда бизлар ажралишган бўлсак-да, аммо ғанимлар қўли етмас олис осмонда доимо биргамиз. Беихтиёр кўзимга ёш қалқийди. Сен айтгандай самога боқиб чуқур-чуқур хўрсинаман, қани эди енгил тортсам...,

Биз бахтиёр эдик. Муҳаббатнинг шаробидан сармаст эдик. Шодон кунлар ортида ҳаётнинг синовли кунлари яширин эканини билмас, ҳаёлимизга ҳам келтирмас эдик. Биз бир-биримизга ишонардик. Бирга барча тўсиқларни енга олишимиз мумкин деб ўйлардик. Кунлар бетиним ўтарди, ойлар кетидан йиллар келарди. Мана биз билмаган ва кутмаган ҳаётнинг синовли кунлари келди. Ҳаёт бизга қаттиқ зарба берди, саросимага солиб қўйди бутунлай. Отаси унга бадавлат кишининг қизини олиб бераяпти. Бойликни муҳаббатдан, бахтини пулдан излаган қандай киши ота бўлди! Ахир, бизнинг севгимиз шабнам илинган ғунчадек нафис эди-ку. Наҳотки, энди сен ўзганинг ёрига айландинг?! Мен сенга хаёл бўлдимми? Сенсиз яшай олмасам-да, аммо бошқалар учун руҳим яшаши керак. Ишон, мен сени севардим, шунинг учун ҳам бу сўзни сенга сира айтолмасдим. Начора, бу — ҳаёт экан. Мен кетарман, "Зайнаб" билан қолинг, Бегим...

Адолат ФАЙЗИЕВА,
талаба

ВАРРАКЛАРНИ ПАРВОЗГА ШАЙЛАНГ!

Баҳор урф-одатлар ва миллий халқ ўйинларига бой фаслдир. Айниқса, қадимий миллий ўйинлардан ҳисобланган варрак учириш баҳордан даракдир. "Варраклар" байрамини Наврўз кунларида ўтказиш бир неча йилдирки, анъанага айланиб қолди.

Бу йил ҳам бу байрамга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, азиз болажонлар, сизларни 26 март куни пойтахтимиздаги "Боғи Эрам" истироҳат боғига таклиф қиламиз. Унда барча мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрлаган варраклари билан иштирок этиши мумкин.

Мусобақада қатнашадиган моделларнинг синфи:
— Лайлак,
— Варрак,
— Ҳажмли,
— Эксперименталь.

Ғолиб ўқувчиларни ажойиб совғалар кутади. Байрамга шошилинг!

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри — 700069, Қорасарой кўчаси, З. Бобохонов тор кўчаси, 13-А уй. Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази.
Тел: 48-11-71, 48-26-47.
Факс: 48-52-69.



Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

БАҲОР ОҒИМЛАРИ

КУЛГИ БЕКАТИ

Шифокор Жон ҳамкасби Смитга мурожаат қилди:

— Оғир беморларга қандай ташхис қўясизлар?

—ЁХБ, -деди Смит.

—Шарҳлаб беринг-чи?

— "Ёлғиз худо билади".

* * *

— Ла-лу, -ла-лу-ла, ухла, болам, алла-ё...

— Ойижон, илтимос, ярим соат жим туринг, ухлаб олай.

* * *

Вокзалдан қайнонамни кутиб олсанг, ўн доллар бераман.

— Агар у келмаса-чи?

—У ҳолда йигирма доллар оласан.



А.ҲАКИМОВ чизган расм

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 5-ўрта мактаб томонидан №0096212 рақамли Абдураҳмонов Азамат Қодировичга берилган аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТУНҒА

ЖОНДАЙИН ЯҚИНИМ



ҚУЁШНИНГ КЎЗИДАН

Қуёшнинг кўзидан ёш бўлиб оқсам,
Тунда ой ўрнига мен Сизга боқсам,
Дарё ўртасида оловни ёқсам,
Қайрилиб бир марта қарайсизми, ёр?

Олов тилларидан бўса келтирсам,
Кўҳиқоф тоғидан кўза келтирсам,
Унда жон қуйдирар бўза келтирсам,
Бир лаб теккизишга ярайсизми, ёр?

Гул томига чиқсам капалак бўлиб,
Тунда лол айласам камалак бўлиб,
Қошингизда турсам кундайин кулиб,
Келар маконимга ҳайдайсизми, ёр?

Ногоҳ кўзларимда чақнаса кибор,
Десам, ишқим бекор, сўзларим бекор,
Айрилиқ куйини чалганда дутор,
Кетма, деб бир бора сўрайсизми, ёр?

ОРЗУ

Қуёшда бойчечак кўргим келяпти,
Булутда тик оёқ тургим келяпти.
Телба кўнглим телба истак қилади,
Сув устига кулба қургим келяпти.

Ўйнашгим келяпти капалак билан,
Белангим келяпти камалак билан.
Юзига юз босиб ҳол сўргим келар
Болалигим — сочи жамалак билан.

Йўлбарснинг қўйнида ухлагим келар,
Оловни қўлимда ушлагим келар.
Кўнглим арқонини узун ташласам,
Кийикнинг шохидан тишлагим келар.

Бу хил орзулардан уйқим келяпти,
Ҳаётда эртакни кўргим келяпти.
Иложсиз орзунинг боридан йўғи —
Сувга нон оқизиб егим келяпти.

КЕТМАНГ

Дунёда борингиз менга етади,
Шу ишқ бор этади, ё йўқ этади.
Малол келган бўлсам, малол бўлмайин,
Кетинг, сиздан кейин жоним кетади.

Сизни жондан севдим, шуми гуноҳим,
Жондайин яқиним, етмас йироғим.
Ёшларимни артманг йиғлаган чоғим,
Кетинг, сиздан кейин жоним кетади.

Рашк ханжари кесди сабрим бошини,
Кўнглимга ботирдим ишқ қуёшини.
Отмам изингизга таъна тошини,
Кетинг, сиздан кейин жоним кетади.

Оловман, кетсангиз кул бўламан, ёр,
Шоҳлик тожим ечиб қул бўламан, ёр.
Ишқ тиғидан ўлган ҳур бўламан, ёр,
Кетинг, сиздан кейин жоним кетади.

Гар бўйнимга юклаб айрилиқ юкин
Хазондек тўкилсам, кафаним тўқинг.
Тилимга алданманг, кўзимни ўқинг,
Кетманг, сиздан кейин жоним кетади.

БУГУН ТЎЙ БЎЛАДИ

Қўлларимни қуйдиргунча кулга ёндим,
Бугун барча сирларимни тунга сотдим,
Остонаси тилло уй деб ўйга ботдим.
Карнай-сурнай садо берса, куй бўлади,
Минг дод демай, бугун менга тўй бўлади.

Ўтди-кетди тошқин сойдек оқишларим,
Эрка жайрон каби эрка боқишларим,
Сочларимга толпопуклар тақишларим.
Карнай-сурнай садо берса, куй бўлади,
Минг дод демай, бугун менга тўй бўлади.

Йиғи тошар нотинч кўнглим қирғоғида,
Қолгим келар онамнинг тинч қучоғида.
Қийналар жон айрилиқнинг қийноғида —
Карнай-сурнай садо берса, куй бўлади,
Минг дод демай, бугун менга тўй бўлади.

Рисликой ХОТАМОВА

Газетанинг навбатдаги сони 16 март, шанба куни чиқади.

БОШҚОТИРМА

Тузувчи:Акромжон ХУЖАМОВ

Тошкент вилоят Қуйи Чирчиқ туман 23-ўрта мактаб томонидан 1995 йил №020937 рақамли Ким Виктория Мироновна номига берилган аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан Зоҳидов Маҳкамжон Тўлабоевич номига берилган №0517675 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МЧЖ "Делто-Бизнес" корхонаси ўз низом жамғармасини 745000000 миқдорида (яъни шаровой кранларни) камайтирилганлигини маълум қилади. Даъво ва аризалар бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Телефон: 90-49-23.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 206-мактаб боғчасига тегишли бўлган бурчак муҳри (тўрт бурчак) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Turkiston
МУАССИС: «ҚАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.
Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдувани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича —Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-22
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Ойдин ЙЎЛДОШЕВА
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ